# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Албатта, кадрларнинг малакасини ошириш, илғор ишлаб чиқаришни ва технологияни ўзлаштириб олган, замонавий фикрлайдиган кадрларни, биринчи галда, маҳаллий аҳоли орасида вояга етказиш устида сабот билан ишламоқ, уларни рағбатлантириш ва унумли меҳнатга қизиқтириш учун ҳамма шарт-шароитни яратмоқ лозим. Кўп мақсадларни кўзда тутувчи мана шу стратегик вазифани рўёбга чиқариш учун жамики мавжуд ресурслар ишга солиниши, мамлакатнинг ва чет элларнинг энг яхши марказлари имкониятларидан фойдаланилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси коммунистларни ва барча меҳнаткашларни жумҳурият Олий Кенгаши қабул этган Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини босқичма-босқич амалга оширишга сафарбар этишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва нуфусий ривожланиши хусусиятларини эътиборга олиш — ўтиш даврининг энг муҳим шартидир. Бунда жумҳуриятда яшовчи одамлар кўпчилигининг анъанавий ҳаёт тарзи ва шахсий турмушининг энг муҳим қонун-қоидалари, уларнинг азалий маънавий-ахлоқий негизлари муҳим аҳамият касб этади.

Жумҳуриятнинг илк ҳолатини, аҳолининг иш билан таъминланиш даражасини ва ижтимоий-маиший иншоотларнинг, истеъмол моллари ва хизматларнинг етарлилигини, турли ижтимоий табақалар турмуш даражасини эътиборга олмай туриб, бозор муносабатларига ўтиш ҳақида гапириб бўлмайди.

Компартия ташқи иқтисодий фаолиятнинг мустақиллигини, жумҳуриятнинг жаҳон бозоридаги мавқеини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, чет эл сармоялари ва илғор технологияларини жалб қилиш мақсадида зарур шарт-шароитни яратиш учун ҳаракат қилади. Жумҳурият хорижий мамлакатлар билан бевосита алоқа боғлаши, фан-техника, савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик масалаларини, қўшма корхоналар ташкил этиш, шартномалар ва эркин иқтисодий зоналар барпо этиш масалаларини ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли асосда ҳал қилиши лозим. Биз — шу мақсадда эркин пул ресурсларини жамлаб ишга сола оладиган, манфаатдор хорижий мамлакатларнинг сармоясини жалб этишни рағбатлантира оладиган ўз банк системамизни вужудга келтириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон коммунистлари шунга аминдирларки, бозор муносабатларини шакллантириш вазмин ёндашувни, жумҳуриятнинг табиий нуфус, ижтимоий-иқтисодий ва миллий хусусиятларини ғоят тўла-тўкис ҳисобга олишни талаб қилади. Бу соҳада ҳаддан ташқари сусткашликка ҳам, ҳар бир босқичнинг хусусиятлари ва амалий имкониятларини эътиборга олмай туриб, бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Сармоя сарфлаш сиёсатини амалга оширишда, аввало, миллий даромад ҳажмини кескин оширишни, иқтисодиётни ривожлантиришдаги комплексликни, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан жуда тўла-тўкис банд бўлишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга устунлик берилиши зарур. Илғор техника ва технология билан жиҳозланган, юксак даражада тайёр маҳсулотни ва аввало, халққа керакли молларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналардаги серунум меҳнатгина ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга хизмат қилувчи кўмакчи тармоқларни муваффақиятли ривожлантириш, халқ фаровонлиги ўсишини таъминлаш учун асос яратиб беради.

Компартия қуйидагиларни бу соҳадаги энг биринчи вазифалар жумласига киритиш зарур деб ҳисоблайди:

— ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш, қишлоқ манзилгоҳларининг, қўрғонларнинг, кичик ва ўртача шаҳарларнинг индустриал иқтисодий имкониятларини жадаллик билан кўпайтириш;

— фан-техника тараққиёти ютуқларини тезроқ жорий этиш, илм-фан ютуқларидан кўпроқ фойдаланадиган ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришга ва халқ хўжалигини компьютерлаштиришга ўтиш уларнинг жумҳурият иқтисодиётини тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги поғонасига чиқарадиган қудратли омил бўлиб қолишига эришиш;

— аҳолининг иш билан ғоят тўла-тўкис ва самарали таъминланиши, касб ўргатиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизликни камайтириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

— пул муомаласини ва истеъмол бозорини нормаллаштириш, аҳолини ва ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларни асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан, энг зарур моллар, дори-дармонлар билан кафолатли равишда таъминлаш;

— ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга моддий ҳамда молиявий ресурсларни биринчи галда ажратиб бериш.

Ушбу вазифаларни бажаришда ортиқча меҳнат ресурслари бўлган районларга имкони борича яқинлаштириб қурилган ва асосан халқ истеъмоли моллари, деҳқонлар ва якка ёрдамчи хўжаликлар учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва ярим тайёр маҳсулотларни тайёр маҳсулотларга айлантиришга мўлжалланган замонавий технологияси бўлган ихчам, тез ўзгартириш мумкин бўлган корхоналарни барпо этиш бош йўл бўлиши керак. Хорижий шериклар билан биргаликда корхоналар қуриш учун ҳамма жойда шарт-шароит яратиш зарур, бу эса илғор технологияни ўзлаштиришга, хўжаликни ташкил этиш ва бошқаришда жаҳон тажрибасини эгаллашга, миллий кадрларни тайёрлашга имкон беради. Асосан халқнинг бугунги ва истиқболдаги манфаатларига жавоб берадиган корхоналар қурилсин.

Партия ташкилотлари ҳокимият ва бошқарув идораларининг халқ ҳунармандчилиги ва бадиий ижодкорлигини, халқ усталари ва омилкорларининг буюмларида намоён бўлган ўзига хос маданиятни тиклашдаги ишини ўз ихтиёрларидаги барча сиёсий воситалар билан қўллаб-қувватлайдилар.

Коммунистлар ўтиш даври шарт-шароитларида жумҳурият иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўли юксак меҳнат интизоми ва иқтисодий масъулиятга асосланган ана шу иқтисодиётнинг кўп укладлигидир, деб ҳисоблайдилар. Саноатнинг базавий тармоқларида, ҳаво ва темир йўл транспортида, алоқада, бош коммуникацияларда давлат мулкчилиги устун мавқени эгаллаши керак. Бошқа тармоқларда акционер мулкчилиги, кооператив, жамоа мулки, шахсий ва хусусий мулк давлат мулки қатори тенг шароитларда бўлиши лозим. Ўзбекистон Компартияси мулкни давлат ихтиёридан олиш йўлини қўллаб-қувватлаб, мазкур жараён меҳнат жамоатлари аъзоларининг манфаатларини, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ўсишини ҳисобга олиб, иқтисодий мақсадга мувофиқлик қоидалари негизида амалга оширишини ҳимоя қилади.

Замонавий аграр сиёсат масалалари Ўзбекистон Компартияси учун марказий масалалардир. Бу ўринда энг асосий вазифа — барча маҳсулот етиштирувчилар меҳнатини рағбатлантиришдан, уларнинг меҳнат пировард натижаларидан манфатдорлигини оширишдан, хам жамоат хўжаликлари, ҳам оилавий ва шахсий хўжаликларнинг мустақиллиги ва моддий базасини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Биз аграр секторга сармоя сарфлашни кўпайтиришга эришишни, етиштирилган маҳсулотга иқтисодий жиҳатдан эркин, асосланган харид нарҳлари белгилашни, қишлоқ хўжалиги жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришни, илғор агротехника усулларини жорий этишни, ернинг унумдорлигини оширишни ва унинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилашни зарур деб ҳисоблаймиз.

Ер ва сув ресурсларининг чекланганлигини, шунингдек хўжаликни кўпчилик, жамоа бўлиб юритиш тарихан таркиб топганини ҳисобга олиб, коммунистлар ерга хусусий мулкчиликни жорий этиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.

Кооператив, жамоа хўжалигининг келажаги бор, бундай хўжаликларда ижара, пудрат, деҳқон хўжалиги сингари меҳнатни ташкил этишнинг шакллари устун даражада ривожланади.

Компартия ер ва сув ресурсларидан авайлаб-асраб, самарали фойдаланиш зарур деган собит фикрдадир. Коммунистлар пахта якка ҳокимлигини рад этиб, деҳқон қайси экинни ва қачон экиш лозимлигини ўзи танлаб олиши учун имконият яратиб бериш тарафдоридирлар. Маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олиниб, энг кўп даромад берадиган ва қишлоқ аҳлининг жуда банд бўлишини таъминлайдиган экинлар далалардан биринчи галда ўрин олиши керак. Илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни жорий этиш, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва йиғиштириб олишни механизациялаш муаммолари тубдан ҳал этилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавот тармоғи, қайта ишлаш саноати моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, жумҳурият аҳолисини тўла таъминлаш билан бир қаторда Иттифоқ ва жаҳон бозорида маҳсулот сотишни кўпайтириш мақсадида омборхоналар ва фирма дўконлари тармоғини барпо этишга эришиш зарур. Чорвачилик шахсий ва жамоат секторининг озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур.

Компартия шахсий ёрдамчи хўжаликларни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш масалаларини энг муҳим вазифа деб билади. Шу муносабат билан жумҳуриятдаги ҳамма жойларда томорқалар саҳнини 0,25 гектарга етказиш зарур. Шахсий хўжаликларнинг кенгайтирилиши уй-жой қурилиши ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилиш имконияти бўлмаган кўп болали оналарни иш билан таъминлаш, оилалар ўзини ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашини кўпайтириш ҳамда озиқ-овқат бозорини мўл-кўл қилиш масалаларини ҳал этиш имконини беради. Компартия буни қишлоқ аҳолиси ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этилишининг муҳим қисми деб билади.

Партия ташкилотлари деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаларининг фаолиятини актив қўллаб-қувватлайдилар, техника билан жиҳозлашда, қурилиш материаллари, ёш чорва моллари, уруғликлар, ем-хашак ва қишлоқ аҳли учун зарур бўлган бошқа ресурслар билан таъминлашда реал ёрдам бериш йўлини тутадилар. Ушбу уюшмалар бозорга ўтиш даврида деҳқонни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ва унга мадад бериш масалаларини ўз зиммасига олиши керак.

Компартия қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришни, қишлоқ аҳолиси меҳнати ва турмуши шарт-шароитини яхшилашни аграр сиёсатнинг бош вазифаларидан бири деб билади. У қишлоқнинг ижтимоий қиёфаси мустаҳкамланиши ва ривожланиши учун қўшимча капитал маблағ, моддий ресурслар қидириб топилиши ва сарфланишига, қишлоқдаги уйларни сув билан таъминлаш ва газлаштириш муаммоси тубдан ҳал этилишига эришади.

Ўзбекистон Компартияси белгилаб қўйилган тадбирларнинг амалга оширилиши жумҳуриятнинг чинакам иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, ишончли иқтисодий шерик сифатида унинг обрў-эътибори кўтарилишига имкон беради, умумиттифоқ ва жаҳон бозорларида унинг мавқеини кучайтиради, деб ҳисоблайди.

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ҲАР БИР КИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ — ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

Иқтисодиётнинг инсон эҳтиёжлари томон туб бурилишини таъминлаш, ижтимоий адолат принципларини қарор топтириш бизнинг стратегик йўлимиздир. Партия ташкилотлари ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг меҳнатдаги ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар. Коммунистлар унумли меҳнатни рағбатлантиришни мустаҳкамлашга, меҳнат, дам олиш, бепул билим олиш ва медицина хизматидан фойдаланиш ҳуқуқлари таъминланиши учун ишончли кафолатлар жорий этилишига эришадилар.

Компартия фаол ижтимоий сиёсат ўтказилишига эриша боради. Коммунистлар давлат идораларининг вазифаси тақсимлаш муносабатлари системаси орқали, солиқ сиёсати, имтиёзлар, аниқ мақсадга мўлжалланган инвестициялар ва бошқа иқтисодий омиллар орқали одамларнинг турмуш даражаси кескин фарқ қилиб қолишига йўл қўймасликдан иборат, деб биладилар. Аҳоли айрим табақаларининг бойиб кетиши бошқа табақаларнинг қашшоқланиши ҳисобига бўлишига имкон берадиган заминни истисно этиш муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси бозорга ўтиш шароитларида аҳолининг, биринчи галда унинг кам таъминланган табақаларининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этилиши юзасидан аниқ-равшан тадбирларни амалга оширишга эриша боради. Аҳолини тирикчилик учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлаш, турмушнинг қимматлашуви ўрнини одамларни кундалик зарур моллар билан таъминлаш йўли билан қоплаш имконини берадиган давлат кафолатлари, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва жамғармаларни ҳам қўшиб даромадларни индекслашни жорий этиш юқоридаги тадбирларнинг негизини ташкил этиши лозим.

Коммунистлар чайқовчилик ва порахўрликка, ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликка, «пинҳоний иқтисодиётга» қарши кескин курашни кучайтириш керак, ҳаётимизда бундай ҳолларга барҳам бериш учун ҳуқуқий давлатнинг барча имкониятларидан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш муаммосининг ҳал этилиши жуда катта аҳамиятга моликдир. Компартиянинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Иш билан таъминлаш» жумҳурият давлат режаси ана шу ишнинг таркибий қисмидир.

Иш ўринларини барпо этиш вазифаларини ҳал қилишда маҳаллий аҳолининг миллий-маданий турмуш тарзи, оилаларнинг анъанавий кўп болалилиги, оиланинг ўзи туғилиб ўсган жойга тарихан содиқлиги ҳисобга олиниб, шунга мос келадиган корхоналар ривожлантирилиши керак.

Компартия давлат аёллар болаларни тарбиялашдек ўз зиммаларидаги асосий вазифани меҳнат, ижтимоий фаолият билан биргаликда муваффақиятли қўшиб олиб боришлари, оғир ва зарарли ишларда аёллар меҳнат қилишини кескин камайтириш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш, келажакда эса зарур имкониятлар вужудга келтирилиши билан болали оналарга қисқартирилган иш ҳафтасида меҳнат қилиш имкониятини яратиш учун хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган кафолатлар системасини жорий этиши керак, деб ҳисоблайди. Оналик ва боланикни муҳофаза этишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан ёшларга боғлиқдир. Компартия ёшлар ўртасида кўпгина муаммолар тўпланиб қолганлигини ҳисобга олиб, Ёшлар сиёсати тўғрисидаги қонунни тезроқ қабул қилиш, ёшларнинг барча гуруҳлари учун ўқиш, меҳнат қилиш, касбда камол топиш ва турмуш неъматларидан фойдаланишда тенг имкониятларни ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш тарафдоридир. Коммунистлар ёшларга хос бўлган ижодий изланиш, ташаббускорлик, тадбиркорликни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар, ёшлар корхоналари, кооперативлари, илмий-техникавий ва маданий марказларнинг оёққа туришида ёрдам берадилар.

Коммунистлар ёш оилаларнинг улғайиши ва мустаҳкамланиши учун қулай шарт-шароитни вужудга келтиришга катта аҳамият берадилар. Биз ёш оилаларга бериладиган имтиёзларни кенгайтириш, уларга имтиёзли шартларда қарз бериш, оилалар учун ётоқхоналар тармоғини жадаллик билан кенгайтириш, ёшларнинг уй-жой қурилиши комплексларини ривожлантириш тарафдоримиз.

Компартия кадрлар тайёрлашнинг таркиб топган давлат системасини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Мактаб ўқувчиларини барвақтроқ касб-ҳунарга йўналтириш, ғоят иқтидорли болалар учун ўқув юртлари очиш, ўрта ва олий мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлашга хўжалик ҳисобини жорий этиш нуфузли йўналишлар бўлиши керак. Бу ўринда маҳаллий миллатга мансуб кишилардан малакали ишчи кадрлар ва мутахассисларни жадал тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш масалаларига биринчи даражали аҳамият беради. Якка тартибда уй-жой қурилишини авж олдиришга алоҳида эътибор берилиши керак, бундай қурилишларга имтиёзли тарзда қарз бериш, қурилиш материаллари билан таъминлаш, инженерлик коммуникациялари тармоғини бунёд этишдан иборат давлат тадбирлари комплекси амалга оширилиши лозим. Қаҳрамон оналар, уруш ва меҳнат ногиронлари рўйхатга олинганидан кейин бир йил ичида уларга ер участкалари ажратиб бериш зарур бўлади. Жумҳуриятда миллий меъморчилик анъаналарини ва шаҳар қурилишига оид ҳозирги талабларни ҳисобга олиб, шаҳар хўжалигини таъмирлаш ва қишлоқларни ободонлаштириш юзасидан батафсил режани амалга ошириш даркор.

Компартия одамлар соғлиғини сақлаш ва меҳанаткашларни жисмоний тарбиялаш бутун ишини тубдан яхшилашга собитқадамлик билан эришиб бораверади. Соғлиқни сақлаш хизматини тубдан ислоҳ қилиш, даволашдарднинг олдини олиш муассасалари моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш, аҳолини ялписига тиббий кўрикдан ўтказиш, чақалоқларни парвариш қилиш, ҳамширалар хизматини йўлга қўйиш, ҳомиладор аёлларга ёрдам бериш марказлари тармоғини вужудга келтириш талаб этилади. Партия ташкилотлари соғлом турмуш тарзини ҳар жиҳатдан тарғиб этадилар, спорт иншоотлари тармоғини кескин кенгайтиришга, болалар ва ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини ташкил этишни қайтадан кўриб чиқишга эриша борадилар.

Партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартиясининг ташаббуси билан қабул қилинган «Меҳр-мурувват» дастурини амалга ошириш учун олиб борилаётган ишни кучайтирадилар, меҳнат жамоаларининг қариялар уйларини оталиққа олиш, пенсионерларга, кўп болали оналарга, меҳнат шароитлари ноқулай бўлган жойларда ишлаётган кишиларга ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча пул бериш ташаббусини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар. Ўқувчиларга ва кам таъминланган студентларга бепул нонушталар бериш тадбирларини изчиллик билан ўтказишга эришиб бораверадилар.

Атроф муҳитни соғломлаштириш учун шошилинч тадбирлар кўришни Компартия ўз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифаси, ўзининг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги бурчи, деб ҳисоблайди.

Ғоят нохуш экология вазияти вужудга келган шаҳарлар ва районларда соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишга, ерларни қайтадан тиклаш, сувни муҳофаза этиш тадбирларини ўтказишга куч-ғайратни жамлаш керак. Коммунистлар Оролни қутқариб қолишга, Оролбўйидаги экология ва санитария вазиятини соғломлаштиришга бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар ва бу вазифалар қўшни иттифоқдош жумҳуриятлар билан мустаҳкам ҳамкорликда, бутун мамлакат ёрдамида, жаҳон ҳамжамияти иштирокида ҳал этилишига ҳаракат қиладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ АҚЛИЙ ВА МАДАНИЙ ИМКОНИЯТИНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ЯНГИЛАШ, ТЎЛА НАМОЁН ЭТИШ УЧУН

Ўзбекистон Компартияси ҳар бир шахсни ва умуман жумҳуриятимиз халқини ақлий ҳамда маънавий жиҳатдан ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, деб ҳисоблайди. Коммунистлар барча фуқаролар маданий қадриятлардан баҳраманд бўлиши, маънавий соҳадаги қашшоқликни тугатиш, замонавий санъат, ўзбек миллий маданияти ва халқ ижодиётини ривожлантириш ҳамда бойитиш, анъаналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, тарихий ёдгорликларни сақлаш, уларни таъмирлаш, «Мерос» дастурини амалга ошириш тарафдоридирлар.

Биз халқимиз даҳоси яратган ва ҳозирги пайтда жумҳуриятимиздан ташқарида сақланаётган барча санъат асарлари, нодир қўлёзмалар ўзимизга қайтарилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Компартия жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган миллатлар ва элатларнинг миллий-маданий марказлари тармоғини кенгайтириш, мамлакатимиз барча халқларининг маънавий жиҳатдан ўзаро бойиши ва бундай алоқаларнинг кенгайиши тарафдоридир. У қадимий халқ анъаналари, байрамлари ва расм-русумлари қайси миллатга мансублигидан қатъи назар қайта тикланишини қўллаб-қувватлайди.

Коммунистлар санъат ва маданият тижоратлашуви жараёни бошланаётганига қарши чиқадилар ҳамда улар ҳаёсизлик ва зўравонликни, паст савиядаги маданиятнинг зарарли таъсирини, одоб тушунчасининг маънавий асослари ва миллий руҳига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид тарғиботдан аҳолини, айниқса ёш авлодни сақлаш учун барча ижтимоий-сиёсий тузилмалар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар. Ёшларда меҳнатсеварлик ва меҳр-мурувват, катталарга ҳурмат, ватанпарварлик ва байналмилалчилик сингари фазилатларни шакллантириш, бу ишда оила, мактаб ҳамда бутун жамиятнинг мавқеини ошириш масалалари партия ташкилотларининг диққат марказида қолади.

Ўзбекистон Компартияси жумҳурият зиёлилари, уларнинг истеъдодли намояндалари жамиятимизни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан янгилашга қўшаётган бебаҳо ҳиссасини юксак қадрлайди. Партия ташкилотлари ижодкор ва илмий зиёлилар билан амалий алоқаларини бундан буён ҳам ривожлантирадилар ва чуқурлаштирадилар, қобилиятли ёшларнинг ўсишига, уларнинг истеъдоди ва ижодий имкониятлари намоён бўлишига ҳар томонлама кўмаклашадилар.

Биз мавжуд илмий-техникавий имкониятдан самарали фойдаланиш, истиқболли кашфиётлар ва ишланмаларни жуда қисқа муддат ичида жорий этадиган уюшмалар, жумҳурият эга бўлган ақл-заковат кишиларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи системалари тузилиши, шу муносабат билан мавжуд қонунлар қайта кўриб чиқилиши тарафдоримиз. Биз одамлар онгида ақлий имкониятларни жадал ривожлантирмай жумҳуриятимизнинг чинакам мустақиллиги ҳамда гуллаб-яшнашини таъминлаш мумкин эмаслиги хусусида теран ва равшан тушунчани қарор топтириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Компартия бу мақсадларга эришиш учун бошқа жумҳуриятлар ҳамда хорижий мамлакатлар билан илмий ҳамкорликни ривожлантириш вз такомиллаштириш, мамлакатимизнинг ҳамда хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий, ўқув марказларига юбориладиган ёш истеъдодли олимлар, мутахассислар сонини кўпайтириш зарур деб ҳисоблайди. Бу вазифаларни ҳал этиш фан ва ижодий бирлашмаларни қўллаб-қувватловчи мустақил жумҳурият валюта жамғармаси тузулиши билан мустаҳкамланиши керак.

Партия ташкилотлари ва комитетлари давлат даражасида кўрилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлайдилар ҳамда жумҳурият инженерлари ва иқтисодчиларини бозор иқтисодиёти эҳтиёжларига мувофиқ қайта ўқитишда бевосита иштирок этадилар.

Компартия ижтимоий фанларни қайта қуриш, уларнинг жумҳурият ва айрим минтақаларни ривожлантириш истиқболларини белгилашдаги мавқеини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни олдиндан аниқлаш зарур деб ҳисоблайди. Турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини аниқлаш ва ҳисобга олиш учун жамоатчилик фикрини ўрганувчи жумҳурият марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиқади.

Компартия халқ таълими соҳасида умумтаълим ва олий мактабларни чуқур ислоҳ қилиш, миллий анъаналарни ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ўқитиш ва уни тарбиялашда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш тарафдоридир. У ўқув юртлари ва илмий муассасалар мустақиллиги ривожланишини, ташкилий шаклларининг хилма-хиллигини, ўқувчилар ва талабаларнинг ҳуқуқлари кенгайишини, уларнинг ўзини ўзи бошқарувга интилишини қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради. Айни вақтда у ўқув юртларининг ўқув-тарбия вазифаларини ҳал этишга халақит берадиган сиёсий эҳтирослар майдонига айланишига қатъиян қаршидир. Компартия, шунингдек, ижтимоий фанларни ўқитишда ундан социализмга ва коммунизмга қарши ғояларни тарғиб қилиш, тарихни сохталаштириш ҳамда сиёсий найрангбозлик мақсадида минбар сифатида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Компартия маданият, фан ва халқ маорифини ривожлантиришга маблағ ажратишнинг қолдиқ принципини бартараф этиш учун курашади ҳамда жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, корхоналар, ширкатлар, жамоатчилик асосида иш олиб бораётган хайрия жамғармалари ҳамда бошқа жамғармалар маблағларини жалб этиш билан уларга биринчи галда ёрдам берилишига эришиш учун ҳаракат қилади. Мазкур соҳаларда банд бўлган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашга, уларнинг жамият олдидаги обрўйини оширишга, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашади.

Компартия фан тўғрисидаги, халқ таълими тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини, маданият ва маънавий тарбия тўғрисидаги қонун лойиҳасини қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш тариқасида жумҳурият Олий Кенгашига тақдим этиш зарур, деб ҳисоблайди. Компартия илмий-материалистик дунёқарашни ҳимоя қилар экан, ўтмишда динга нисбатан йўл қўйилган ўзбошимчалик ҳаракатларидан воз кечади ва Виждон эркинлиги тўғрисида қабул қилинган ССЖИ Қонунини қўллаб-қувватлайди. У умумбашарий қадриятларни қарор топтириш ишида барча диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, диний ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда қатнашишлари тарафдоридир. Компартия айни вақтда диндорларнинг диний туйғуларидан жамиятга қарши, давлатга қарши мақсадларда фойдаланишга уринишларни қоралайди.

Ўзбекистон Компартияси жамият турмуши барча соҳаларини қайта қуриш, жумҳуриятимизда яшаётган барча кишиларнинг хавфсизлиги, фаровонлиги ва осойишталиги миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тўла англайди. У жумҳуриятда миллатлараро муносабатларга тааллуқли ҳар қандай масала фақат ССЖИ Конституцияси ва Ўзбекистон ССЖ Конституцияси доирасида, сиёсий усуллар, ишонтириш йўли, бевосита мулоқот орқали ҳал қилиниши керак деган чуқур эътиқодга асосланади.

У Ўзбекистон ССЖнинг Давлат тили тўғрисидаги қонун режали асосда ва сўзсиз амалга оширилиши, жумҳуриятимиздаги барча халқлар тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиниши ва бу тилларнинг ривожланиши, миллатлараро алоқа ва ССЖИ халқларининг ҳамкорлик тили сифатида рус тилидан фойдаланиш учун курашади. Оммани Ватан ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан ошно қилиш мақсадида эски ўзбек ёзувини, хорижий тилларни ўрганишда кўмаклашади.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат кишиларининг манфаатларини ўзаро ҳурматлаш ва улар билан ҳамкорлик қилишнинг бузилмас қоидалари миллий сиёсатнинг негизини ташкил этиши керак. Жумҳуриятимиздаги барча халқлар ва майда миллатларнинг ўзига хос миллий-маданий одатларини, тили, маданияти, анъаналари, тарихий ёдгорликлари ва табиий муҳитини сақлаб қолиш, ёш авлодга она тилида таълим бериш ҳуқуқини тан олиш фуқаролар тинчлиги ва тотувлигининг мустаҳкам кафолатидир.

Жумҳурият фуқароларини жипслаштириш — Ўзбекистон Компартияси сиёсатининг асосий мақсадларидан бири. Биз инсон ҳуқуқлари устунлиги учун, миллати ёки тилига қараб баъзиларга имтиёзлар берилишига, бошқа кишларнинг ҳуқуқлари камситилишига қарши, уларнинг шани ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши таъминланиши учун курашаверамиз. Биз Ўзбекистоннинг барча фуқаролари сиёсий турмушда фаол қатнашишлари учун, партия идораларида, давлат ҳокимияти муассасаларида ва жумҳурият бошқарувида турли миллат вакиллари бўлиши учун курашаверамиз. Партия ташкилотлари миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши, ажралиб чиқиш ва миллий маҳдудликни тарғиб этаётганларга, байналмилалчилик соҳасида орттирган ютуқларимизни камситаётганларга қарши муросасиз кураш олиб боради.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИ ЯНГИЛАШ ВА ДЕМОКРАТИЯЛАШ УЧУН

Ўзбекистон Компартиясини янгилаш уни демократиялаш билан узвий боғлиқдир. Бундан мақсад коммунистларни партия турмушининг марказига қўйиш, партия сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда партиялилар оммаси бевосита иштирок этишини таъминлашдан иборат.

Жумҳурият Компартияси партия ички турмушида ўзини ўзи бошқарувни таъминлайдиган, партия билан ҳар бир коммунист манфаатларини уйғунлаштирадиган, эркин фикрлашга, турли нуқтаи назарларни таққослашга, ошкора танқид ва ўзини ўзи танқид қилишга, онгли интизомга имкон берадиган демократик централизм принципига амал қилади. Партия съездлари, конференциялари ва йиғилишларининг партия ижроия ҳамда назорат идораларидан устунлиги таъминланади.

Жумҳурият Компартияси ўз негизи — бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга, уларнинг фаоллиги ва мустақиллигини оширишга алоҳида эътибор беради. Биз партия ташкилотларининг ҳудудий-ишлаб чиқариш принципи нуқтаи назаридан тузилиши сақлаб қолинишининг қатъий тарафдоримиз. Айни вақтда жумҳурият учун истиқомат жойларда сиёсий ишларнинг алоҳида долзарблигини ҳисобга олиб, аҳоли манзилгоҳи, маҳалла ёки даҳаларда яшаётган коммунистларни фаолият кўрсатадиган кучли ҳудудий партия ташкилотларига бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Партиянинг таянч бўғини — ноҳия ҳамда шаҳар партия ташкилотларининг иш шакллари ҳамда услубларини янгилашга, Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят партия ташкилотларининг ўз ички турмушидаги масалаларни ҳал этишга доир ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилади.

Янги сиёсий вазият Ўзбекистон Компартияси марказий идоралари олдига юксак талаблар қўймоқда. Уларнинг фаолиятида рўй-рост ва принципиал фикрлашув, кенг ошкоралик, қарорлар қабул қилишда чинакам баҳамжиҳатликни бундан буён ҳам қарор топтириш лозим. Партия қўмиталари комиссияларининг ишнинг устун йўналишлари соҳасидаги мавқеини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш зарур.

Ўзбекистон Компартияси коммунистларнинг хилма-хил тузилмалар — партия ташкилотлари котибларининг кенгашларини, партия клубларини, ижтимоий-сиёсий марказларини, ветеранлар кенгашларини ҳамда қизиқиш ва муаммолар юзасидан партия аъзолари бирлашмаларининг турли шаклларини ташкил этиш ҳуқуқини эътироф қилади.

Ўзбекистон Компартияси ўз сафларига янги кучлар, биринчи навбатда меҳнат кишилари, ёшлар, қайта қуришнинг фаол тарафдорлари келиб қўшилиши учун алоҳида ғамхўрлик қилади. Компартия қўмиталар ва ташкилотлар, партия оммавий ахборот воситалари орқали ўзининг дастурий мақсадлари ҳамда вазифаларини, уларнинг жозибасини аҳоли кенг табақаларига тушунтиради, уларни қўллаб-қувватлаётган кишиларда партия билан ўз тақдирини боғлашга бўлган эҳтиёжни шакллантиради.

Партиянинг обрўси — унинг асосий принципини: халқ манфаатлари — партия манфаатларидир, деган қоидани рўёбга чиқаришдадир. Партия ўз кучи аввало меҳнаткашлар оммасининг қўллаб-қувватлашида эканлигини билади.

Компартия ўзининг барча аъзоларини омма ўртасида сиёсий иш олиб бориш, халқнинг турли табақалари билан мулоқот қилиш, одамларни ҳақиқат кучи, далил-исботлар ва амалий ишлар билан жалб этиш санъатини эгаллашга даъват этади.

Кадрлар сиёсати масалалари Компартия учун принципиал масалалар бўлиб қолади. Партия учун янги вазиятда унинг қўмиталари ва ташкилотлари Компартия позициясида турган муносиб коммунистлар ҳамда партиясизларга тавсиялар бериш ҳуқуқидан воз кечмасликлари, айни вақтда уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларидаги, мафкуравий муассасалардаги асосий лавозимларга сайланишлари ёки тайинланишлари учун курашишлари, давлат идораларининг ходимларига ўз баҳоларини беришлари, тўрачилик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчиликка қарши туришлари шарт.

Ўзбекистон Компартияси Матбуот тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ўзининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамжиҳатлигини такомиллаштириб боради. Биз матбуот, телекўрсатув ва радиоэшиттириш идораларининг фаолиятини бундан кейин ҳам демократиялаш, хилма-хил фикр ва мулоҳазаларни ёритиш, айни вақтда эълон қилинаётган мақолалар ҳамда эшиттиришларнинг мазмуни, ҳаққонийлиги учун журналистларнинг масъулиятини ошириш тарафдоримиз. Компартия қонун чиқаришда ташаббус кўрсатувчи ташкилот сифатида оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий асосларни кучайтириш тўғрисидаги масалалани Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг олдига қўйишни мўлжалламоқда.

Ўзбекистон Компартияси давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини, ўқув юртларини ҳамда Қуролли Кучларни сиёсатдан ҳоли этиш хусусида жамиятга зўравонлик билан тиқиштирилаётган ғояларга қарши курашади ва уларда партия тузилмалари фаолиятининг тақиқланиши инсоннинг ўз сиёсий қарашларига мувофиқ бирлашишдек конституциявий ҳуқуқларининг камситилиши деб ҳисоблайди.

Коммунистлар бошқача қарашлар ва ғояларга муросасизликни рад этишар экан, антисоветизм ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий курашадилар, В. И. Ленинга ва КПССга қилинаётган ҳужумларга барча қонуний воситалар билан қарши турадилар.

Жумҳурият Компартияси унинг конституциявий ҳуқуқларини эътироф қиладиган, демократия ва ижтимоий адолат мавқеида турадиган, конституциявий нормалар асосида ва унга мувофиқ иш олиб борадиган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилишга интилади. У айни вақтда миллий адоватни авж олдирадиган экстремист, жамиятга зид кучларга қарши, кескинликни кучайтириш ва аҳволни беқарорлаштиришга уринишларга қарши кураш олиб боради.

Ўзбекистон Компартияси касаба уюшмаларининг партиядан ва давлатдан ҳоли хусусиятига асосланиб, уларнинг мустақиллиги тарафдори бўлиб, уларга ўз ижтимоий базаси манфаатларини бевосита ифодаловчилар сифатида қараб, ўз муносабатларини ҳамжиҳатлик, ўзаро алоқа ва шериклик принципи асосида қуришга интилади.

Партия ва комсомол ташкилотларининг ўзаро муносабатлари сиёсий шериклик, ғоявий муштараклик, Ўзбекистон Коммунистик Ёшлар Уюшмаси мустақиллигини тан олиш, ўзаро ҳурмат ва ишонч принциплари асосида қурилади. Компартия жумҳурият комсомолига ўз сафларини тўлдиришнинг энг ишончли резерви сифатида қарайди.

Ўзбекистон Компартияси ветеранлар ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиш тарафдоридир. У хотин-қизлар ҳаракатини қўллаб-қувватлайди, хотин-қизларга ўз ижтимоий вазифасини эркин танлаш ҳуқуқи берилиши учун, уларнинг барча даражалардаги қарорларни қабул қилиш ва бу қарорларни бажаришда қатнашиши учун, хотин-қизларнинг вакиллари давлат ва жамоат идораларида кенг кўламда иштирок этиши учун курашади.

* * *

Ўзбекистон Коммунистик партияси коммунистлар ва партиясизларни, жумҳуриятимизнинг барча меҳнаткашларини мазкур Ҳаракат дастурини амалга ошириш юзасидан амалий ишларга ғайрат билан киришишга, ўз кучлари, билимлари ҳамда маҳоратларини Ўзбекистон ССЖни ижтимоий-иқтисодий, миллий ва маънавий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқаришга, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга сарфлашга даъват этади.

